

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинган қонунларнинг сифати ва самарадорлигига эришиш, депутатларнинг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш ҳамда депутатлик назорати институтини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлик назорати — қонун сифати ва самарадорлигини ошириш демакдир

Таъкидлаш жоизки, жамиятимизда фуқароларнинг ҳуқуқий оинги ва сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни либераллаштириш, бу борада одил судловнинг амалда мустақиллигини таъминлаш бўйича амалга оширилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотлари «Ислохот ислохот учун эмас, балки инсон манфаати учундир» деган ҳаётбахш тамойилнинг амалий ифодаси бўлди, десак, асло муболага бўлмайди.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган бундай ўзгаришлар ҳар жиҳатдан ривожланган демократик давлат барпо этишга, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга, энг муҳими, ўзимизга хос тараққиёт модели ҳуқуқий лойдевонининг изчиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашга замин яратди.



(Давоми учинчи ботда)

(Давоми. Бошланиши биринчи ботда)

Шу маънода икки палатали Парламент ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда чинкакам профессионал қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, унинг аъзоларининг маъқеи ҳамда масъулиятини ошириш, депутат ёки сенаторнинг сайловчилар олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, ўтган давр ичида халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган 250 дан ортиқ қонун қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, икки палатали парламонтизмизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига — мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислох этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиётган бир даврга тўғри келди.

Ана шу давр мобайнида мамлакатимизда янгилаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда сиёсий партиялар-

нинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ўрнига катта аҳамият берилди. Сайлов жараёнларида фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошди. Маҳаллий вакиллик органлари роли кучайтирилди. Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ва ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича ўзига хос самарали тизим яратилди.

Албатта, амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришлар, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида ҳар қанча тўхталсак оз. Бироқ айни пайтда бугунги давр ҳар биримиздан ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашни тақозо этмоқда.

Бинобарин, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий заминнинг, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйилаётган энг юксак меъёрларга тўлиқ жавоб бера олиши — бу ишимизнинг ярми эканлиги, уларни ҳаётга тўла татбиқ қилишга эришишимиз, бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг ҳундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизмлардан амалда янада унумли фойдаланишимизни тақозо этмоқда. Кези келганда шунини айтиш керакки, парламент назорати, ҳусусан, депутатлик назорати

институти, бир томондан, қонунларни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этишнинг ўзига хос мониторинги бўлса, бошқа томондан, ҳар бир депутатнинг ажралмас, устувор фаолият йўналишларидан биридир.

Шунга қўра, депутатлик назорати юридик нуқтаи назардан бир неча мақсадларни кўзда тутди: биринчидан, қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш; иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқий меъёрнинг муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилишини таъминлашга эришиш; учинчидан, қонунлардаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш; тўртинчидан, қонунлар ихросини таъминлашда мақсаддор шахсларнинг юксак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий оинги ва маданиятини оширишни таъминлаш.

Демак, буларнинг барчаси ҳар биримиздан ўз фаолиятимизга жиддий масъулият билан ёндашишимизни, жамиятимизни янгилаш ва демократлаштириш сари фиждокорона меҳнат қилишимизни талаб этади. Чунки миллий парламонтизмизнинг эртанги фаолияти, уни мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг том маънодаги кўзгусига айланиши бунга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати